

А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил март ойининг 05 кунида жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг очиқ сайёр суд мажлиси Иштихон тумани “Намуна” МФЙ биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Ж.Раупов, судья ёрдамчиси Б.Тошпўлатовнинг котиблигида, тарафлардан Иштихон туман прокурори ёрдамчиси С.Рашидов, судланувчи Ж.Эсиргапова ва унинг ҳимоячиси Самарқанд вилояти, Иштихон тумани “НАҚИҚАТ ВА НИМОҲА” адвокатлик бюроси адвокати С.Мамарасулов ҳамда жабрланувчи Н.Суюндуқованинг иштирокида,

Эсиргапова Жумагул Абдурасуловна (Esirgapova Jumagul Abdurasulovna)- 1988 йил 08 июль куни Самарқанд вилояти, Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, уч нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Иштихон тумани “Намуна” МФЙда яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2025 йил 24 январь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланувчи Эсиргапова Жумагул Абдурасуловнага оид № 1-1407-2501/37-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Эсиргапова Жумагул Абдурасуловна, 2024 йил 04 декабрь куни соат 13:00да Иштихон тумани “Ўзбекистон” маҳалласи ҳудудида жойлашган “Миёнқол бозори” ҳудудидаги 172-сонли аёллар кийимлари сотиш учун мўлжалланган савдо дўконига кийим сотиб олиш мақсадида кириб, бирон бир кийим сотиб олмасдан кийим алиштириш вақтида оёқ кийимлар устида турган телефон аппаратини кўриб, жабрланувчи Суюндуқова Назира Дехқоновнага тегишли бозор баҳоси 3.100.000 сўм бўлган “Redmi-9” русумли телефон аппаратини яширин равишда талон-торож қилган.

Судланувчи Ж.Эсиргапова ҳамда жабрланувчи Н.Суюндуқова судга ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Судланувчи Эсиргапова Жумагул Абдурасуловна суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, жабрланувчи Н.Суюндуқова билан ихтиёрий равишда ярашганлиги, унга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчи Н.Суюндуқовага етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Жабрланувчи Суюндуқова Назира Дехқонова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи Ж.Эсиргаповага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, унга нисбатан етказилган моддий ҳамда маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 169-модда 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Н.Суюндуқова ва судланувчи Ж.Эсиргаповаларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Иштихон туман прокурори ёрдамчиси С.Рашидов ва химоячи С.Мамарасуловларни жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, Ж.Эсиргапованинг айбига ихтиёрий иқдорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчини хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-модда 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишни лозим деб топди.

Суд, судланувчи Ж.Эсиргаповага нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Н.Суюндуқовага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан судланувчи **Эсиргапова Жумагул Абдурасуловна (Esirgarova Jumagul Abdurasulovna)**га нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонлар ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Судланувчи Эсиргапова Жумагул Абдурасуловнага нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўлланилган муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи Н.Суюндуқовага мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.



Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ажрим нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

Ж.Раупов

Аслига тўғри:

